O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 6-dekabr • Payshanba • 148 (27.793) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни!

23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Кўппартиявийлик асосидаги сайлов

фуқаролар манфаатларига хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Аслиддин Рустамов 4 декабрь куни Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Воҳанинг барча туманларидан сайловчилар вакиллари иштирок этган йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси Рамазон Ашуров олиб борди. Аслиддин Рустамовнинг ишончли вакили, Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси Ҳамро Эрматов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов нутқ сўзлади.

Номзоднинг дастурида Истиқлол даврида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани қайд этилган. Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ошиб, одамлар турмуш фаровонлиги ўсиб бораётганига, она-юрт ободлиги йўлида беқиёс ишлар амалга оширилаётганига алоҳида эътибор қаратилган. Дастурдаги устувор вазифалар — Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий риоя қилиш, Мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраш ва янада мустаҳкамлаш, тинчлик ҳамда осойишталикни, юрт тараққиётини таъминлашга қаратилган умуммиллий манфаатлардан иборат.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг электорати — кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламлар манфаатларига хизмат қилиш, уларнинг нурли келажагини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш вазифаси ҳам дастурда илгари сурилган. Бунда аҳолининг мазкур қатламларига нисбатан меҳр-мурувватни, аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимояни таъминлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар таъкидланган ҳолда, уларни янада такомиллаштириш вазифалари айтиб ўтилган. Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бу соҳага алоҳида эътибор қаратилди, кўп амалий ишлар қилинди. Шу билан бирга, ҳали етарлича фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Масалан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги фаолияти самарадорлигини ошириш вазифаси ғоят муҳимдир.

Аҳолини иш билан таъминлаш, хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, ногиронлар, меҳнат қилиш қобилияти чекланганлар, кўп болали оилалардаги хотин-қизлар ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобат қила олмайдиган бошқа шахсларни иш билан таъминлашга оид қонунчиликда кўзда тутилган кафолатлар самарадорлигини янада ошириш зарур. Ушбу йўналишда жамиятимиз барча тизимларини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги ўз вазифаларини чуқур англаб етиши ва уни масъулият билан адо этиши ижобий самара бериши шубҳасиз. Шу муносабат билан давлат идораларида оддий одамлар манфаатларига тааллуқли масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишга қаратилган «Маъмурий тартибтаомиллар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Мақсадли ижтимоий ҳимоя фақат давлатнинг иши бўлиб қолмаслиги керак. Бунинг учун жамиятнинг иқтисодий фаол қатлами, илғор меҳнат жамоалари энг муҳим ижтимоий дастурларни амалга ошириш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояланиш даражасини кўтаришда янада фаол иштирок қилиши муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолини уй-жой, сифатли коммунал ва маиший хизматлар билан таъминлаш тизимини замон талаблари даражасига кўтариш барчамизнинг вазифамиздир. Шуни ҳисобга олиб, «Коммунал соҳада тарифларни тартибга солиш асослари тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф этилаяпти.

Бутун дунёда экологик мувозанатни таъминлаш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишни ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўяётган муҳим вазифалардандир. Дастурда экологик мувозанатни таъминлаш, атроф-муҳит софлигини сақлаш ва ҳимоялаш масалаларига ҳам урғу берилганки, бу ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бунда тегишли қонун ҳужжатларининг оғишмасдан ижро этилишини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятни ўстиришнинг аҳамияти каттадир.

Озодликнинг қадрига етган, Ватанини ардоқлаб, келажак авлодларни ўйлаб яшайдиган ҳар бир инсон истиқбол йўлида фидойилик кўрсатишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Йиғилишда Термиз туманидаги «Янгиариқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Олмахон Бердимуродова, Ўзбекистон ХДП Қизириқ туман кенгаши раиси Жўрақул Нормўминов, Термиз шаҳар «Тез тиббий ёрдам» станцияси бош шифокори Зоя Нурова ва бошқалар сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик асосида, ошкора ўтаётгани, шу билан бирга, халқаро меъёрларга тўла мувофиқ эканини таъкидлашди. Шунингдек, сайловчиларни, хусусан Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларини шу йил 23 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга ундашди.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Инсон қадр-қиммати — олий қадрият

2

Шуни яхши билишимиз керакки, ҳар қандай жамият, давлат доимий равишда ривожланиб боради. Айни чоғда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳам. Шундай экан, жамиятнинг асосий қонунига ўзгартишлар киритилиши табиий ҳол. Буни Конституциямиз мисолида яққол кўриш мумкин.

Байрам қутловлари

3

Минг йиллик маданий мерос

4

ёхуд хаттотлик ва китобат санъати тарихига бир назар

Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобида таъкидланишича, хунук хат билан ёзилган матн кишининг кўзига катта зарар етказади. Шунинг учун ҳам хуснихат билан ёзилган китоблар ниҳоятда қадрланган, эъзозланган ҳамда табаррук саналган.

«Ўзкўргазмасавдо» мажмуида

истеъмолчиларга озиқ-овқат, енгил саноат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича улгуржи савдо ярмаркаси бўлиб ўтмоқда

Ушбу ярмаркада «Ўздонмаҳсулот», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзавтосаноат» компаниялари, «Ўзбекчармпойабзали», «Ўзэлтехсаноат» уюшмалари корхоналари, Чкалов номидаги авиация ва «Ўзкомбинат» бирлашмалари, Олмалиқ ва Навоий конметаллургия комбинатлари ва бошқа бир қатор халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар иштирок этмоқда.

— Бу ярмарка уч кун давомида вилоятларда ўтказилди, — дейди «Ўзкимёсаноат» ДАК вакили Д.Раҳмонов. — Бугун эса бу ерда минерал ўғитларни, пластмасса ва турли хилдаги маҳсулотларни намойиш этамиз. Аҳамиятли томони шундаки, мазкур ярмарка ҳамкорлар топиш ва улар билан шартномалар имзолаш имкониятини яратмоқда.

Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад — 2008 йилда республикамиз ички бозорини саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолини сифатли ва харидоргир халқ истеъмоли товарлари билан таъминлашга қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ярмарка ишида мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча товар ишлаб чиқарувчи корхоналар, тадбиркорлар қатнашмоқда.

Ярмарка бугун ҳам давом этади.

Суратларда: *ярмарка фаолиятидан лавҳалар.*

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Миллий тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси

тобора такомиллашиб бораяпти

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилингач, халқимизнинг минг йиллик тарихи, миллий анъаналари, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига таянган, фуқароларга муносиб турмуш шароитини таъминлашга хизмат қиладиган, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг қонуний асосини ўзида мужассам этган олий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати пайдо бўлди. Бу тарихий ва масъулиятли вазифа Конституцияни ишлаб чиқиш комиссияси зиммасига тушди. Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг ҳуқуқий мақомини белгилаган, халқ манфаатини ифодаловчи, фуқаролар ҳуқуқларининг кафолати бўлган, демократия ва ижтимоий адолат принциплари, сиёсий ҳокимият фаолиятининг қонуний асосларини ташкил этган яхлит ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шу тариқа ишлаб чиқилди ва икки маротаба умумхалқ муҳокамасидан сўнг 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинди.

2-бет

Қомусимизга бағишланган тадбирлар

Юртимизда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматини эъзозлаш, умуминсоний принципларга асосланган демократияни қарор топтириш жараёнларида мана ўн беш йилдирки, Бош Қонунимиз — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асос бўлиб хизмат қилаяпти. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча кенгашлари, ташкилотлари Конституциямизни кенг тарғиб қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш, жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида одамларнинг фаол иштирок этишига эришиш юзасидан қатор амалий ишларни бажармоқда. Бош Қомусимизнинг 15 йиллиги арафасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши ва партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари Хива педагогика коллежида тадбир ташкил этди. Унда сўзга чиққан коллеж директори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Зариббой Кўчқоров, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Раимберган Сабуров, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Вера Пак Конституциямизда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, эркинликлари ҳақида тўхталдилар. Сайловларда иштирок этиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқи ва бурчи, фуқаролик масъулияти эканлигини таъкидладилар. «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари коллеж талабалари билан Конституциядаги асосий тамойиллар, унинг инсонпарварлик жиҳатлари ҳақида савол-жавоблар ўтказдилар.

✧✧✧

ЎзХДП Боёвут, Сардоба туман кенгашлари маҳаллалар, ўқув юртларида «Ўзбекистон Конституцияси мамлакат демократик тараққиётининг ҳуқуқий кафолати», «Ўзбекистон Конституцияси ва сиёсий партиялар» каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказди.

✧✧✧

ЎзХДП Гулистон ва Янгиер шаҳар кенгашлари ҳамда «Маънавият ва маърифат» маркази фаоллари ёшлар вакиллари билан «Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш — демократик ислоҳотларнинг муҳим шарти», «Сайловлар — демократия кўзгуси» каби мавзуларда учрашувлар ташкил этдилар. Тадбирларда партиядан сайланган депутатлар, ҳуқуқшуносларнинг иштирок этди. Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳаётхон Ортиқбоева Конституциямизнинг асосий тамойиллари ҳамда Сенатнинг яқинда бўлиб ўтган ўн иккинчи ялпи йиғилишида муҳокама қилинган масалалар хусусида гапириб берди.

✧✧✧

Шайхонтоҳур туман кенгаши томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Саноатқурилишбанки»нинг Нодирабегим бўлими, 169-мактабда Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишлаб ташкил этилган анжуманларда партия фаоллари, электорат вакиллари қатнашдилар. Фаол партия аъзоларига туман партия кенгаши Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди, муносиб ёшлар партия аъзолигига қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон ХДП Хонқа туман кенгашида «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари иштирокида «Аёл, жамият ва сиёсат» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Иштирокчилар мавзу юзасидан баҳс-мунозараларда 2007 йил 23 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, унинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти борасида фикр юритдилар. Конституциямизда белгиланган инсон манфаатлари, унинг қадр-қиммати, эркинлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари инсон, унинг фаровон ҳаёт кечириши учун хизмат қилиши таъкидланди.

Хонқа туман партия кенгаши Кўзи ожизлар жамияти туман бўлимида Ногиронлар куни муносабати билан «Қалб кўзи уйғоқ бўлсин инсоннинг» мавзуида тадбир ўтказди. Туман партия кенгаши раиси Аҳмаджон Воисов тадбир иштирокчиларини байрам билан табриклаб, давлатимиз томонидан уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратилаётган имкониятлар борасида тўхталиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон ХДПнинг улар манфаатларига қаратилган дастурий мақсадлари, инсон шаъни, қадр-қиммати ҳар нарсадан азизлиги Конституциямизда ўз аксини топгани ҳақида гапирди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Миллий тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси

тобора такомиллашиб бораяпти

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ишонч билан айтиш мумкинки, Конституциямиз қабул қилиниши мамлакатимиз суверенитети, мустақиллиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланишига, юртимиз тараққиётининг ҳуқуқий асосларига замин — пойдевор бўлди. Чунки конституциявийлик замонавий демократик давлатчиликнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва давлатчилик асосларининг дахлсизлигига хизмат қилади.

Конституция нафақат демократик тараққиётимизнинг кафолати, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришларни таъминловчи асосий ҳужжат ҳамдир. Ижтимоий ҳаёт эса доимо ривожланишда. Шу боис айрим ҳолларда Конституцияга зарурий тузатишлар киритилиши табиий ҳисобланади. Бу ўзгартиш ва тузатишлар жамият тараққиёти давомида ҳаётнинг ўзи илгари сурган вазифаларни тез ва асосли ҳал этишнинг меъёрий заминини яратиш учун киритилаётганини таъкидлаш зарур.

Яхши биламизки, мустақиллигимиз эълон қилинганда Ўзбекистон парламенти Олий Кенгаш деб аталарди ва у 150 нафар депутатдан иборат эди. 1993 йил 28 декабрда Конституциямизга киритилган ўзгартиш натижасида миллий парламентимиз Олий Мажлис деб аталадиган бўлди ва 250 нафар депутатдан иборат бўлиши белгиланди. Конституциямизга киритилган кейинги ўзгартишлар ҳам бевосита мамлакат олий органи — парламент фаолияти билан боғлиқ, яъни икки палатали парламент тизимига ўтилиши муносабати билан киритилгандир.

2002 йилнинг 27 январида ўтказилган референдум натижаларига кўра «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Олий Мажлиснинг VIII ва X сессияларида давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий тамойилларини назарда тутган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар қабул қилиниб, Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий мақоми, ваколатларини тартибга солишни назарда тутувчи меъёрлардан иборат эди. Шунинг натижасида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органида ҳам катта ўзгаришлар, том маънодаги ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада мамлакат парламенти Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат икки палатали шаклда фаолият юрита бошлади. Унинг ўтган қарийб уч йиллик тажрибасидан хулоса қиладиган бўлсак, парламент ислоҳоти ўз вақтида ва пухта ўйлаб амалга оширилгани яна бир бор тасдиғини топди. Пировардида, мамлакат парламенти, сиёсий партияларнинг демократик ўзгаришларни амалга оширишдаги роли, таъсири ва иштироки янада кучайди. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти жонланмоқда. Қонунлар лойиҳалари муҳокамаси жараёнида фракциялараро курашлар кузатиляпти ва бу ҳолат сиёсий партиялар нуфузи ҳамда қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ошишига хизмат қилмоқда.

Барчанинг хабари бор, ўтган йил охирларида Қонунчилик палатасига Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам киритилган эди. Ушбу ҳужжат матбуотда эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Парламент томонидан қабул қилинди, Президент томонидан имзоланди ҳамда 2008 йил 1 январидан кучга киради.

Конституциямизнинг айрим моддаларига киритилган ушбу тузатишлар ҳажми катта эмас. Лекин мазмун-моҳияти, жамият ҳаётида тутган ўрни ва давлат бошқарувига янгича ёндашувларни татбиқ этаётгани билан алоҳида аҳамиятга молик. Ушбу қонунга асосан Конституциянинг 89-моддаси янги таҳрирда берилмоқда. Унда «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди» деб белгиланган. Мазкур таҳрир кўплаб демократик мамлакатларнинг конституцияларидаги шунга ўхшаш нормаларга тўлиқ мос келади. Амалдаги моддадан Президент бир вақтнинг ўзида ижро ҳокимияти бошлиғи экани тўғрисидаги норма чиқариб ташланмоқда.

Яхши биламизки, юртимиз ўз мустақиллигига эришганидан сўнг, илк бор Конституциямизда давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши қатъий белгилаб қўйилди. Конституцияга мувофиқ, мамлакатимизда қонун чиқарувчи ҳокимият Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидир. Вазирлар Маҳкамаси эса ижро этувчи ҳокимият ҳисобланади.

Суд ҳокимияти Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

Кўриб турганимиздек, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва ваколатлари турлича. Уларни шакллантиришнинг ўзига хос тартиб-тамойиллари мавжуд. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентига давлат бошлиғи сифатида давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш вазифасининг Конституциямизда белгиланиши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, давлат бошлиғига бундай ваколатнинг берилиши мамлакат тараққиёти, тинчлиги ва фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Конституциямизга ўтган йиллар давомида киритилган тузатишлар ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг узвий давоми, мамлакат давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич, тадрижий ривожлантириш, модернизациялашнинг натижасидир. Шунингдек, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ташланган муҳим қадам деб ҳисоблаймиз. Киритилган мазкур нормаларнинг аҳамияти фақат ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолияти билангина чекланиб қолмайди. Ушбу қоидаларнинг рўёбга чиқарилиши бутун сиёсий тизимга, давлат қурилиши, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар, мамлакатни демократик янгилаш жараёнларига чуқур таъсир ўтказиши шубҳасиз. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз давлат ҳокимияти тармоқларининг ваколатларини мувофиқлаштириш орқали барқарор тараққиётимизнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб бораяпти.

Фахриддин РАЖАБОВ, Анвар БОЙҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари.

Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад



Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб ва драматург Саид Аҳмад шу йилнинг 5 декабрь куни 87 ёшида вафот этди.

Саид Аҳмад Ҳусанхўжаев 1920 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топди. 1937 йили ўрта мактабни тугатиб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида таҳсил олди. У ўз меҳнат фаолиятини «Муштум» журналида бошлади, сўнг республика радиосида, марказий газета ва журналлар таҳририятларида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида хизмат қилди. 1962 йилдан асосан ижод билан шуғулланиб, ўзбек адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олган кўплаб етук асарлар яратди.

Адибнинг «Тортиқ» номли дастлабки ҳикоялар тўплами 1940 йили чоп қилинган эди. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда нашр этилган «Эр юрак», «Фарғона ҳикоялари», «Муҳаббат» каби китобларида ёзувчи халқимизнинг азалий фазилатларини юксак пардаларда таннум этди. Кейинчалик яратилган, халқимиз ҳаётининг турли мураккаб даврлари ёрқин акс эттирилган «Қадрдон далалар», «Ҳукм» қиссалари, «Жимжитлик» романи, айниқса, машҳур «Уфқ» трилогияси китобхонлар қалбидан чуқур жой олди.

Саид Аҳмад ўзбек адабиётида ҳикоя жанрининг моҳир устаси сифатида ҳам танилган эди. Унинг юксак бадиий маҳорат намунаси бўлган кўплаб ҳикоя ва ҳажвиялари адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Адиб қаламига мансуб бўлган драматик асарлар, айниқса, «Келинлар қўзғолони» пьесаси мамлакатимизда ва чет эллардаги бир қатор етакчи театрларда катта муваффақият билан намойиш этиб келинмоқда.

Саид Аҳмад мустақиллик йилларида ҳам баракали ижодини давом эттирди. Улкан адиб, ҳозиржавоб публицист сифатида юртимизнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этди, кўплаб истеъдод соҳибларига устозлик қилди.

Бу даврда унинг маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа сифатида эътироф этилган «Йўқотганларим ва топганларим», «Қоракўз Мажнун», «Киприкдаги тонг» сингари янги асарлари ўқувчилар қўлига етиб борди.

Саид Аҳмаднинг адабиётимиз ва маданиятимизни юксалтириш йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. У «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Ўзбекистон халқ ёзувчиси», «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» фахрий унвонларига сазовор бўлган, «Буюк хизматлари учун» ва «Дўстлик» орденлари билан тақдирланган эди.

Атоқли адиб ва ажойиб инсон Саид Аҳмаднинг порлоқ хотираси халқимиз қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, Р.ҚОСИМОВ, А.ОРИПОВ, Э.ВОҲИДОВ, Р.ҚУРБОНОВ

Инсон қадр-қиммати — олий қадрият

Мана, 15 йилдирки, жамиятимизда ижтимоий муносабатлар Конституциямиз асосида ривожланмоқда. Бош Қомусимизда Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, 1966 йилда БМТ томонидан қабул қилинган ҳужжатга имзо чеккан давлатлар учун бажарилиши мажбурий бўлган «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактлардаги инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий ғоялар ўз ифодасини топган.

Бош қомусимизнинг энг муҳим, ўзига хос жиҳати шундаки, унинг ҳар бир бандида инсон манфаати, қадр-қиммати юқори қўйилган. Фуқаронинг ҳуқуқи улуғ саналиб, олий қадрият сифатида кафолатланган. Бунинг ҳаётдаги ифодаси тўғрисида исталганча мисол келтириш мумкин.

Маълумки, якунланаётган «Ижтимоий ҳимоя йили»да асосий эътибор аҳолининг кам таъминланган қатлами, хусусан, пенсионерлар, вояга етмаганлар ва ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилди. Шу муносабат билан фуқароларнинг мазкур ҳолатга оид ариза, шикоят ва мурожаатлари прокуратурамиз ходимларининг диққат марказида бўлди. Зеро, Конституциямизнинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалиги кўрсатилган.

Биргина ушбу конституциявий меъёр ижроси юзасидан ходимларимиз томонидан жорий йилнинг 10 ойи давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ўтган даврда фуқаролардан 1465 та ариза ва шикоят тушган бўлиб, уларнинг барчаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида кўриб чиқилиб, ҳал этилган.

Асосий эътибор мурожаатларни жуда ҳам синчковлик билан текширилишига қаратилган. Чунки ҳар бир ариза ёки шикоят замирида инсон тақдири ётибди. Бундан ташқари, агар ёзилган ариза юзасидан адолат қарор топадиган бўлса, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончи ортади. Бу эса ўз-ўзидан жамиятда давлат органларининг обрўси ошишига ҳам олиб келади.

Туманимиз ҳудудида жойлашган «Махсусэнергогаз» ОАЖ ходимларидан бир гуруҳи ариза билан мурожаат қилиб, ўзлари ишлаб турган корхонадан 19 нафар ходим ноқонуний равишда бўшатилганликларини билдирган эди. Шундан кейин текширув ўтказилди. Аниқланишича, «Махсусэнергогаз» ОАЖ раҳбарияти 2006 йилнинг март ойидан октябрь ойига қадар жамиятда шаҳодатнома ўтказилган бўлишига қарамай «Ходимларни шаҳодатномадан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига зид равишда 6 ой муддат тўлмасдан қайта шаҳодатнома ўтказиш ҳақида буйруқ чиқарган. Оқибатда юқоридаги Низом талаблари қасддан бузилиб, турли вазифаларда ишловчи 19 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномалари асоссиз равишда бекор қилинган.

Прокуратура аралашувидан кейин, ушбу буйруқ бекор қилиниб, қонунсиз бўшатилган ходимларнинг барчаси ўз вазифаларига қайта тикланди. Айбдор бўлган мансабдор шахслар эса тегишли жавобгарликка тортилди.

Бундай мисолни фуқаро А.Кокуришникованинг аризасида ҳам кўриш мумкин. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига асосан тўлаб келинаётган компенсация туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғининг унинг дипломида «ўқитувчи», «педагог» сўзлари ёзилмаганлиги сабабли тўхтатганлиги юзасидан арз қилганди.

«Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича белгиланган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш механизми тўғрисида»ги Низомда энг кам иш ҳақига нисбатан 45 фоиз миқдорида ҳар ойлик компенсация пул тўловларини барча турдаги умумий таълим мактабларининг педагогик маълумотга эга ўқитувчилари олиши қайд этиб ўтилган. Кокуришникова эса 1953 йилда Тожикистон давлат университетининг рус тили ва адабиёти факультетини «Филолог» ихтисослиги бўйича тамомлаган. 1962 йилдан 1985 йилга қадар Ўрта Осиё темир йўллари бўлимига қарашли ўрта мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси лавозимида 23 йил 11 ой ишлаб, нафақага чиққан.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида «Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга» эканлиги қайд этилганлиги боис, текшириш натижаларига кўра, ижтимоий таъминот бўлими бошлиғининг қарорига туман прокурори томонидан протест келтирилди. Натижада тўланмай қолган пул маблағи тўлаб берилди. Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасидаги бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Шуни яхши билишимиз керакки, ҳар қандай жамият, давлат доимий равишда ривожланиб боради. Айни чоғда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳам. Шундай экан, жамиятнинг асосий қонунига ўзгартишлар киритилиши табиий ҳол. Ўтган йиллар давомида Бош Қомусимизга қатор ўзгартишлар киритишни ҳаётнинг ўзи тақозо этди. Давлат ҳокимияти ташкил этилишини тартибга солувчи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ваколатларини белгиловчи ҳамда Сайлов тизими тўғрисидаги бобларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилгани фикримиз далилидир. 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирадиган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунига асосан Конституциямизга жамиятимизнинг ривожланиши учун ўта муҳим бўлган ўзгартишлар киритилди.

Инсоннинг Олий қадрияти ҳисобланадиган яшаш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини тўла таъминлаш мақсадида қабул қилинган, 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирадиган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Қонунлар эса жамиятимиз ҳаётининг тўлақонли ривожланишида ҳамда фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларини кафолатлашда яна бир дадил қадам бўлиб хизмат қилади.

Маҳромқул ЭРМАТОВ, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.

«УЧКЎПРИК — РОСС»: Экспорт ҳажми ортмоқда

Учкўприк туманидаги «Учкўприк-Росс» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган шарбатлар ва бежирим қадоқланган маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда.

Ушбу Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси маҳсулотлари Туркия, Испания, Россия ва Қозоғистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

2006 йилнинг июнь ойида иш бошлаган мазкур корхона Италиянинг энг замонавий технологиялари билан тўлиқ жиҳозланган. Шунингдек, малакали мутахассисларнинг жалб қилиниши, хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши корхона маҳсулотларининг харидоргирлигини таъминламоқда.

— Биз, аввало, маҳсулотларимизнинг сифати ҳамда кўринишини яхшилашга эришдик, — дейди корхона бош директори Мухторжон Имомалиев. — Бундан ташқари, 10 турдаги янги маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилди. Шунингдек, мева ва томат пасталари, концентратлар ассептик қопларга қадоқланиб, экспорт қилинаётир. Жорий йилда корхонада ўндан ортиқ агрофирма ҳамда бир қатор фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар асосида мева-сабзавот маҳсулотлари қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда корхона маҳсулотларига буюртмалар жуда кўп. Бу эса маҳсулот сифатини яхшилаш билан бирга экспорт ҳажмини тубдан ошириш имконини бермоқда. 65 нафар маҳаллий ёш меҳнат қилаётган корхонада шу кунга қадар минг тоннадан ортиқ маҳсулот қайта ишланди.

Суратларда: «Учкўприк-Росс» очиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехида; ишчи Маҳфуза Имомалиева.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

☑ Ижтимоий ҳимоя

Марказ очилди

Пойтахтнинг Яккасарой тумани, «Ракат» маҳалласи гузарида жисмоний имконияти чекланган болаларни кўллаб-қувватлаш маркази очилди.

— Кўнгли ўксик болалар бошини силаб, уларга ғамхўрлик кўрсатиш энг савоб ишлардан ҳисобланади, — дейди «Ракат» маҳалласи оқсоқоли Ўлмас Шукуров. — Халқаро ногиронлар куни арафасида бу ҳунар марказига тикув машиналари, 5 та ногиронлар аравачаси ва турли асбоб-ускуналар совға қилинди.

Марказнинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги ва ҳомийлар маҳалла фаоллари иштирок этди. Бу ерда ногирон болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиб, бичиш-тикиш, рассомчилик, кулолчилик билан шуғулланиш ва турли телефон, радио-телевизорларни таъмирлаш учун шароит яратилган.

Мирзо АНВАР

Нуронийларга дори-дармонлар

Қариялар, боқувчисини йўқотган ёлғиз кексалар, ногиронлар, умуман ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Уларнинг саломатлигини тиклаш, тиббий кўрикдан ўтиши ва даволаниши учун етарли шарт-шароит ва имтиёзлар яратилган. Жумладан, юртимизда фаолият кўрсатаётган нуронийлар ситҳатгоҳлари, пансионатлар кексалар хизматида.

Ана шулардан бири Тахиатошдаги Нуронийлар санаторийсидир. Баҳаво, сўлим табиат қўйнида жойлашган бу сиҳатгоҳда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти нуронийлари ҳамда ногиронлар дам олиб, даволанишади. Бу ерда улар учун барча қулайликлар яратилган. Бундан ташқари, ҳомийлар ҳам улардан доимо хабардор.

Яқинда «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими саломатлик масканига 500 минг сўмлик зарур доридармонлар олиб келишди. Бундан сиҳатгоҳ маъмурияти ва даволанувчилар мамнун бўлиб, ҳомийларга ўз миннатдорлигини билдиришди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

жамоаси

Ўзбекистон халқини мамлакат

Конституциясининг 15 йиллиги

байрами билан табриклайди!



Инсон пайдо бўлибдики, ҳақиқат ва адолат, ҳурлик ва холисликка интилиб келади. Шунинг натижасида жамият тараққиёти босқичларида халқ хоҳиш-иродаси, деган тушунча пайдо бўлди ва Конституциянинг илк нишоналари таркиб топди.

Бугун дунёнинг озод ва эркин мамлакатлари сафидан муносиб ўрин олган, ҳур байроғи БМТ кошонасида ҳилпираб турган мустақил Ўзбекистон Конституцияси барча Халқаро ҳужжатларга, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқ тамойилларига асосланган ва унда умуминсоний қадриятлар мужассамдир. Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар амалда таъминланганини ҳар биримиз ўз ҳаётимизда кўриб турибмиз.



Азиз ҳамюртлар!

АТ «ПАХТА БАНК»

Сизларни

Конституциямиз қабул қилинган кун билан чин дилдан табриклайди!



Ва сизга даромадли ҳамда юқори ликвидли банк акцияларини харид қилишни таклиф этади! Бизнинг акцияларимиз ёрдамида кафолатли ва барқарор келажагингизнинг қонуний эгаси бўлишингиз мумкин!

ПАХТА БАНК ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Биринчи Тошкент Педагогика коллежи жамоаси

Ватанимиз Бош Қомуси қабул қилинганлигининг

15 йиллиги байрами билан

барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади!

Конституциямизда ўқиш, билим олиш ва касб-ҳунар эгаллаш ҳуқуқлари кафолатланган.
Асосий Қонунимизда белгиланган тамойиллар амалда ўз ифодасини топмоқда. Буни коллежимиз ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.
Ўқув даргоҳимизда ёшларнинг пухта билим олиб, касб ўрганишлари учун барча шароитлар яратилган.
Биз келажагимиз эгаларини тарбиялашдек шарафли вазифани адо этаётганимиздан ғоят мамнунмиз.

Биз билган ва билмаган тарих

Минг йиллик маданий мерос

ёхуд хаттотлик ва китобат санъати тарихига бир назар

Хаттотлик ва китобат санъати Машриқ-замин аҳлининг узоқ асрлик маданий-тарихий меросида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу санъат қадим замонлардан бери **хуснихат** (каллиграфия) номи билан шуҳрат қозонган. Ўрта асрларда ҳали китоб чоп этиш ихтиро этилмаган даврда ҳар қандай асар қўлда кўчирилиб, китобат қилинган. Китоб кўчириш илм даражасидаги ҳунар ҳисобланиб, бу иш билан шуғулланган кишилар **хаттотлар** ва **котиблар** номи билан машҳур бўлганлар. Уларнинг ҳар бири ўз замонасининг маърифатли маданият арбоби саналган. Табиийки, зарринқалам хаттотлар ёзган ҳар қандай хат санъат мўъжизаси каби ўлмас асар ҳисобланган.

Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобида таъкидланишича, хунук хат билан ёзилган матн кишининг кўзига катта зарар етказади. Шунинг учун ҳам хуснихат билан ёзилган китоблар ниҳоятда қадрланган, эъзозланган ҳамда табаррук саналган.

Дунёдаги барча илоҳий муқаддас китоблар, қомусий, тарихий, илмий, адабий, маърифий асар ва тўпламлар мана шу хаттотларнинг сермашаққат меҳнатлари эвазига бизгача етиб келган.

Аслида хуснихат Аллоҳнинг бандаларига берган энг улуғ неъмати, мўъжизаси бўлиб, унинг келиб чиқиши Одам алайҳиссаломга бориб тақалади. Даврлар ўтиб ҳар бир халқ ва миллат илоҳий битиклардан ўзига андаза олиб, хатлар турини хилма-хил услуб билан илоҳий илҳом орқали ихтиро қила бошлаганлар. Мана шу илоҳий мўъжизалардан бири 28 ҳарфдан иборат бўлган араб алифбосининг дастлабки шакли **маъқалий хати**дир. У кўфий хатигача бўлган қадимий ёзувлардан бўлиб, ҳарфларнинг тўғри чизиқлиги билан кўфий хатидан ажралиб туради. Икки дунё саодати бўлмиш Қуръони карим ҳам мана шу хатда битилган.

Тафсир, ҳадис, фиқҳ, ақоид, тарих илмларининг шиддат билан ривожланиши хат ёзишнинг ҳам тез, равон ва қулай бўлишини тақозо қилар эди. Кўфий хати эса анча мураккаб бўлгани учун замон талабларига тўла жавоб бера олмасди.

Настаълиқ хати «насх» ва «таълиқ» хатларининг бирикувидан ташкил топган. Уни Мир Али Табризий ихтиро қилганлар. Ўзларини Табризийнинг шогирди деб ҳисоблаган, «Қиблат ул-куттоб» («Котиблар пешвоси») Султон Али Машҳадий (ваф.1520 й.) эса настаълиқ хати услубини юксак даражага кўтарган машҳур хаттотлардан бўлган. У кишининг давомчилари Мир Али Ҳиравий мазкур хатни мукаммал қоидага киритиб шеърий бир рисола тузганлар.

Ёзув ва китоб кўчиришга эътиборнинг ортиши туфайли аждодларимиз тасарруфида бўлган ўлкада бир неча хаттотлик мактаблари вужудга келди. Улар Ҳирот, Бухоро, Хоразм, Фарғона (Кўқон), Самарқанд, Тошкент (Шош) хаттотлик мактаблари бўлиб, ҳинд хаттотлик мактаби эса асосан Бухоро, Самарқанд, Ҳирот ва Табриз хаттотлик мактаби таъсирида тараққий этган.

Ўрта Осиёда хаттотлик санъатининг кенг тараққиёти Амир Темур ва темурийлар давридан бошланади. Хуснихат санъати Хуросон пойтахти **Ҳиротда** ривожланиб, у ерда Султон Али Машҳадий бошлиқ йирик хаттотлик мактаби вужудга келади. Шоҳ Муҳаммад Котиб, Абдураҳим Ҳиравий шу мактаб вакилларидирлар.

Улардан яна бири **Бухоро хаттотлик мактаби** XVI–XVII асрларда тараққиётнинг янги босқичларига кўтарилади. Бу ерда хаттотлик санъати тез ривожланиб, машҳур хаттотлар етишиб чиқади. Бухоронинг ўзига хос бўлган янгича китобат ва хуснихат санъати ривож топади. XVI-XVII асрларда яшаб ижод этган Бухоро хаттотлари ўзига хос услуб — мактабни яратадилар. Тарих саҳифаларида Мир Али Ҳиравий Фатқободий, Мирзо Исматуллоҳ Мунший, Муҳамад Амин, Мир Маъсум Бухорий, Аваз Бадалий Бухорий, Ҳожи Ёдгор, Домло Бобобек, Абдулмажид Махдум Бухорий, Субҳонқули, Муҳаммад Ризо Намадий, Мирзо Мавлон Бухорий, Абдуллоҳ Савдо, Абдулваҳҳобхўжа, Абдулқодирхўжа, Мирзо Муҳаммаджон, Мирзо Исҳоқ каби моҳир хаттотларнинг номлари тез-тез учраши бунинг ёрқин далилидир. Ўша даврда Бухорода кўфий, сулс, ғубор, насх, настаълиқ хатлари жуда ривожланади.

Самарқанд хаттотлик мактаби ҳам кўплаб зарринқалам хаттотларни етказган бўлиб, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Мир Ражаб Самарқандий ва тарих саҳифаларида номлари муҳрланиб қолган бошқа хаттотлар шулар жумласидандир. **Тошкент хаттотлари** Ўрта Осиёнинг Шоҳмурод котиб бошлиқ олтинчи хуснихат мактабини ташкил қилади. Тошкентда ҳам хуснихат тараққиёти маълум даражада тошбосма орқали китоб нашр қилдириш билан боғлиқ бўлган.



Булар орасида бадиий жиҳатдан юксак тараққиёт босқичига кўтарила олганлари Ҳирот, Бухоро ва қисман Кўқон хаттотлик мактабларидир.

Китоб тайёрлаш жараёни — китобат усули бир неча босқичда бажарилиб, уларнинг ҳар бири юксак санъат даражасига кўтарилган. Маълумки, хаттотнинг матн кўчириши учун энг аввал яхши, сифатли қоғоз талаб қилинган. Қоғоз дастлаб Хитойда ишлаб чиқарилган. Кейинчалик Самарқанд ва Бухоро ўша замоннинг энг йирик қоғоз ишлаб чиқарувчи марказларига айланган. Қоғоз икки турли бўлиб, биринчиси тоза ипак лослардан тайёрланган «қоғози абрешимий» ҳамда ипак ва каноп тўласи аралашмасидан тайёрланган «қоғози нимкатоний» бўлган. Шунингдек, турли қўлёзмаларни кўчириш учун махсус «ҳафтранг» ва муқованинг ички томонига қўйиш учун «абри баҳор» қоғозлари ҳам ишлатилган.

Ўша замоннинг ҳар бир хаттоти қўлёзмани моҳирона кўчириш учун икки хил хатни эгаллаши лозим бўлган: бири оддий майда (хафий) хат, иккинчиси йирик (жалий) хат. У уч тур хатда — оят-ҳадисларни «насх», оддий матнларни «настаълиқ», боб ва сарлавҳаларни «сулс» хати билан чиройли қилиб кўчириши лозим.



Хаттот қўлёзмани батамом ёки маълум бир қисмини тугатгач, қўлёзма лаввоҳ қўлига ўтади. Санъаткор лаввоҳ хаттотнинг кўчирган барча матнларини рангдор чизиқли жадвал ичига, ҳошияни эса одатда, қизил ёки ҳаво ранг чизиқ ичига олади. Баъзан оддий найдан ясалган махсус асбоб воситасида қўлёзмаларнинг сатрлари орасига зарҳал, қизил ёки ложувардлардан афшон беради. Кейин лаввоҳ қўлёзма (асар)нинг бош қисмига суюқ олтин бўёқлар билан катта ва кичик нақшлар чизади. Бу нақшлар, одатда, «унвон» ёки «сарлавҳа» деб аталади.

Лаввоҳнинг иши битгач, қўлёзма безатилиши учун рассом қўлига ўтади. Рассом хаттот томонидан махсус бўш қолдирилган саҳифани сюжетли расмлар билан безайди. Ўша замон рассомлари лозим бўлган ҳамма бўёқларни ўз қўллари билан тайёрлаганлар. Улар олтин ва кумушни суюқ ҳолатга келтириб, деярли пастага ўхшаш ҳолатда ишлатар эдилар. Рассомларнинг мўйқалами қундуз жунидан қилиниб, перога каптар қанотидан қўйиларди.

Хуллас, қўлёзма хаттот, лаввоҳ, рассом меҳнатидан сўнг, ниҳоят, саҳҳоф қўлига ўтиб боради. Муқова билан боғлиқ барча ишларни муқовасоз бажаради. Қўлёзманинг муқова билан тикиладиган жойи алоҳида тайёрланиб, жилд учун энг яхши сахтиён тери ишланган. У Ҳамадондан олиб келинган. Қопқоқни чармга ёпиштиргач, муқова қуримасдан нам ҳолича унга жимирлама нақш солинарди. Агар олтин билан безаш керак бўлса, у ҳолда тухум оқи билан аччиқтош эритмаси суркалган қопқоқ устидаги чарм юзаси соф олтин япроқчалари билан қопланарди.

Бир сўз билан айтганда, аждодларимизнинг бебаҳо исломий-ирфоний, маънавий-маърифий, илмий меросидан авлодларни баҳраманд қиладиган санъат даражасида улуғланишга лойиқ хаттотлик санъати узоқ ўтмишга эга бўлиб, халқимизнинг минг йиллик маданий мероси, санъати, тарихи ҳақида дарак берувчи қимматли дурдоналардан биридир. Асрлар оша эъзозланиб келинаётган бу мўъжиза баркамол авлод тарбиясида ўзига хос аҳамият касб этади.

Абдулғафур Раззоқ БУХОРИЙ,
Мир Араб мадрасаси ўқитувчиси, хаттот,
Комилжон РАҲИМОВ,
Бухоро давлат университети тадқиқотчиси.

Спорт

Миржалол Қосимов —

«Қурувчи» жамоаси бош мураббийи

— Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия ва миллий терма жамоалари катта мураббийи Миржалол Қосимов Тошкентнинг «Қурувчи» жамоаси бош мураббийи этиб тайинланди, — деб хабар қилади ЎФФ матбуот хизмати.

Айни вақтда мамлакат XVI миллий чемпионати жадвалида иккинчи поғонани банд этиб турган олий лига дебютантининг охирги икки турда Бекободнинг «Металлург» ҳамда Тошкентнинг «Локомотив» жамоаларига бир хил 1:2 ҳисобида енгилганликлари «Қурувчи» футбол клуби раҳбариятининг шундай қарор қабул қилишга мажбур этди. Шу кунга қадар «Қурувчи» футболчиларига собиқ пахтакорчи Ҳикмат Эргашев бош мураббийлик қилаётган эди. Энди у клуб мураббийлар штабида катта мураббий сифатида Миржалол Қосимовга кўмаклашади.

Маълумки, бугун миллий чемпионатнинг сўнгги тур учрашувлари ўтказилади. Унда «Қурувчи» жамоаси ўз майдонида чемпионат аутсайдери «Вобкент» (Бухоро) футболчиларини қабул қилади. Ўзбек футболи қолдузи, ўттиз етти ёшли Миржалол Қосимов учун чин маънодаги синов учрашуви 9 декабрь куни бўлиб ўтади. Шу куни «Қурувчи» Ўзбекистон кубогининг финал баҳсида «Пахтакор» жамоасига қарши майдонга тушади.

Шуни таъкидлаш керакки, Миржалол миллий терма жамоадаги фаолиятини ҳам давом эттираверади. У 2010 йили Жанубий Африка Республикасида ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида бош мураббий Рауф Инилеевга ёрдам беради.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси
UZBEKISTAN airways
ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
2007 йил 15 декабрдан
ҳаво кемалари йўловчиларининг қўл юки таркибида
СУЮҚЛИКЛАР, ГЕЛЛАР, АЭРОЗОЛЛАРНИ
олиб кетиш бўйича янги қоидаларни киритади
Қатновлар жадвали, жойларнинг мавжудлиги, авиачиптолар ва ташиш тўғрисидаги барча маълумотлар учун телефонлар (ҳар куни 8-00 дан 19-00 гача):
(998 71) 140-02-00
www.uzairways.com

«GOLD TRADE MARK» хусусий корхонаси ТУГАТИЛАДИ.
1. «Gold Trade Mark» хусусий корхонаси. «Gold Trade Mark» Х.К. (Gold Trade Mark.I.CH.K., Истиқбол А/Ж.)
2. Манзили: Фарғона шаҳар, У.Юсупов кўчаси, 8-уй. Индекс: 150100. ИНН. 200153707. Тел.: 8-373-2248353.
3. Фарғона шаҳар ҳокимлигида 6.11.2007 йил 878-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган.
4. Корхонанинг 2.12.2007 йилдаги 3-сонли умумий йиғилиш баёни ва корхона таъсисчисининг 3-сонли қарорига асосан.
5. Дебетор ва кредиторларнинг талаб ва аризаларини қабул қилиш — эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддатда.
Корхонани тугатиш комиссияси.
Мурожаат учун тел.: 8-373-2248353.

Санъат

Жиззахнинг ёш рассомлари

парвозларга шайланишмоқда

Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Жиззах тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатини вилоятдаги нафосат масканларидан бири, дейиш мумкин. Бу даргоҳга қадам қўйгандаёқ санъатга ошуфталикни ҳис қиламиз. Айниқса, болаларнинг ўзаро муносабатлари, юриш-туришларидаги ажиб маданият кишини мафтун этади. Бугун мазкур ўқув масканида 306 нафар ўғил-қиз тарбияланаётгани ҳар йили шунча янги истеъдод кашф этилаётганидан дарак.

— Бизда ёш иқтидорларни танлаб, тўғри йўлга йўналтириш учун барча шароитлар етарли, — дейди лицей-интернат раҳбари вазифасини бажараётган Шавкат Абдуназаров. — Санъатсевар ёшлар билан ишлаш осон эмас, албатта. Бунинг учун юксак билим ва маҳорат, ҳар бир болага алоҳида эътибор ҳамда ниҳоятда эҳтиёткорлик талаб этилади. Арзимаган бир гап билан болада «йилт» этган қобилиятни сўндириб қўйиш мумкин. Санъат аҳлининг, айниқса, рангтасвир соҳаси вакилларининг кўнгли жуда нозик бўлади. Шу боис иш фаолиятимизда доимо бунга аҳамият берамиз.

Дарҳақиқат, ўқув даргоҳи ёш ижодкорлари билан танишарканмиз, улар орасида Беҳзоди Монийдек аждодларимиз сингари ўз асарлари билан дунёни забт этишга қодир ноёб салоҳиятли болалар борлигига амин бўлдик.

Аббосжон Мирзаев 9-синф ўқувчиси. У 2006 йилда Бангладешда бўлиб ўтган Халқаро болалар расмлари танловининг кумуш медали билан тақдирланган. Оламгир Болиев эса шу йил май ойида Японияда болалар ўртасида ўтказилган халқаро танловда экологик муаммони моҳирона қоғозга тушира олган ёш мусаввир сифатида 104 давлат вакиллари орасида 5-ўринга лойиқ топилди. Унинг ўзи ниҳоятда камгап бўлса-да, асарлари кенг қамровлилиги билан одамлар фикрини бойитиб, мушоҳадага чорлайди.

Таълим даргоҳини чаманзорга қиёслаш мумкин. Гулзор орасида юрарканмиз, қай бирини танлашни билолмай қоласиз. Чунки уларнинг барчасида тароват бор. 8-синф ўқувчиси Аббосжон Зокиров машқларида ҳам гўзаллик ва ўзига хосликни ҳис қиласиз.

— Қўлимга мўйқалам тутган кунни энг бахтли онларим деб биламан, — дейди Аббосжон. Келгусида юртимга муносиб фарзанд бўлиб, миллатим номини оламга ёйсам, дейман...

Ҳа, Ватанга муносиб фарзанд бўлиш бугун ҳар бир ёшнинг орзуси. Шу боис бўлса керак, 2007 йилда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида ўтказилган «Болалар эртаклардан расм чизадилар» шиори остидаги танловда Аббосжон ҳамда Элёр Очиловлар иштирок этиб, ғолиб бўлиб қайтишди.

Бу ўқувчиларнинг устозлари Майсара Фозилова, Наима Жўрабоева кабилар меҳнатини фидойиликка қиёсласа арзийди. Улар бор меҳру муҳаббатини ўз шогирдларига бахшида этишмоқда. Зеро, бу муқаддас даргоҳда келажакнинг етук рассомлари камол топиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Доногул ЖЎРАЕВА

Суратларда: *Чапдан Аббос Зокиров ва Элёр Очиловлар мусобақадан қайтишда; Аббос Мирзаев ижод устида.*

Муаллиф олган суратлар.

Чотқолнинг яна бир мўъжизаси

«Шаффоф» номи билан довруғ қозонмоқда

«Шаффоф Сервис» компанияси мамлакатимиз бозорида 1999 йили иш бошлаганди. Муболаға эмас, бу компания республикамизда биринчи марта 19 литрлик махсус идишларга булоқ сувларини тозалаб қуйиш технологиясини қўллай бошлаганди. Бугунги кунда эса жамоанинг тажрибали мутахассислари жорий этаётган энг замонавий усуллар бу соҳада жиддий ютуқларга эришилаётганини исботлайди. Яъни, табиий сувларнинг ўзи ҳам бир неча хил усуллар орқали тозаланади. Гранулали, керамикали, супер ва бактерицидли фильтрлар асосида ишланган сувнинг таъми ҳам, таркиби ҳам ўзгача бўлади.

Тошкент вилоятининг Чотқол тизма тоғлари бағридаги Жекиндексой булоғи сувидан тайёрланаётган «Шаффоф» суви ҳам экологик жиҳатдан, ҳам саломатликка фойдали эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса, шифобахшлиги ва таъбга ёқимлилигини айтмайсизми. Яхшиси, минг бора эшитгандан кўра, «ШАФФОФ»ни бир марта ичиб кўринг.

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

Ташкилот ишлатилган қуйидаги жиҳозларни нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ

Т/р	Жиҳоз номи	Русуми	Сони (дона)	Бошланғич нархи, сўм	Изоҳ
1.	Совутгич шкаф (холодильный шкаф)	ХШ-12	1	1 299 822	ишчи ҳолатда
2.	Совутгич шкаф (холодильный шкаф)	ХШ-12	1	742 755	бузуқ ҳолатда
3.	Электр плита	ЭПМ-3М	1	256 528	ишчи ҳолатда
4.	Мажлислар зали ўриндиқлари	(театрга мўлжалланган)	283	63 204,12	яхши ҳолатда

Маълумот учун телефонлар: 139-18-49, 139-11-98.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Qurbon ESHMATOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1150
7929 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.15
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda